

USCHOOL дан бир йиллик курс учун сертификат

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йилнинг 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2021 йил учун устувор фан йўналишлари этиб Физика ва **Хорижий тилларни ўқитиш**, деб белгилаб берилди. Шу билан бирга, институтимизда талабаларнинг хорижий тилларни билиш даражасини янада ошириш мақсадида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг давоми сифатида танлов эълон қилинади.

Шу боис, институтнинг **Халқаро ҳамкорлик бўлими** ва **USCHOOL** ўқув маркази билан ҳамкорликда танлов ташкил этилади. Танлов ғолибига бир йил учун USCHOOLда бепул инглиз тили курсида ўқиш учун сертификат берилади. Танловда иштирок этиш талаблари қуйидагича:

1. ТИҚХММИ талабаси бўлиши лозим;
2. Ўзлаштириш кўрсаткичи яхши ва аъло баҳолардан иборат бўлиши лозим (рейтинг дафтарчаси нусхаси);
3. Махсус ариза бланкасини тўлдирилиши лозим. Иншоода нега айнан сизга ушбу имкониятни беришимиз кераклиги ёритиб беринг. Умумий ҳажми 3 бетдан ошмаслиги лозим.

Топшириш муддати: 2021 йил 2 феврал, соат 17.00

Топшириш манзили: Институтнинг Халқаро ҳамкорлик бўлими, 11-бинонинг 306-хонаси

Маълумот учун: USCHOOL инглиз тили курслари билан Тошкент шаҳрида юқори мавқега эга ўқув маркази ҳисобланади. 5 босқичдан иборат инглиз тили курслари, жумладан IELTS курси ҳам мавжуд. Бошланғичдан то профессионал (advanced) даражагача босқичларни қамраб олган. Ушбу ўқув маркази институт 11-биноси 8 қаватида жойлашган.

USCHOOL Грант танлови учун АРИЗА